ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ БУХОРО ФИЛИАЛИ

ЕР ТУЗИШ ВА ЕР МУНОСАБАТЛАРИ КАФЕДРАСИ

ЕР ҲУҚУҚИ

фанидан

# К У Р С   И Ш И

**Мавзу: «Ер тузиш ишларини ҳуқуқий расмийлаштириш»**

**Бажарди** **Д. Ҳайдаров**

**Қабул қилди** **Ф.Ҳамидов**

**Бухоро – 2015**

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55- моддасига мувофиқ «Ер, ер ости бойликлари, сув ўсимлик ва хайвонот дунёси хам да бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мухофазасидадир».

Жамият ривожланишининг барча босқичларида ер иқтисодий фаровонлик асоси, кишилар хаети учун моддий шарт-шароити бўлиб хизмат қилади. Мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш, ишлаб чиқариш муносабатларини янада такомиллаштириш, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтиш ер майдонларининг табиий ва иқтисодий холатлари билан бир қаторда ҳуқуқий холати билан хам  чамбарчас боғлиқдир. Негаки янги ишлаб чиқариш муносабатларига мос равишда янги ер муносабатлари хам  вужудга келади.

Республикамиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда, қишлоқ хўжалигининг янада ривожланишини амалга оширишга, ни озиқ-овқат махсулотларига, саноатни эса хом-ашёга бўлган талабларни тўлароқ қондиришда ер ресурсларидан оқилона ва унумли фойдаланиш, унинг мухофазасини тўғри таъминлаш, шак-шубҳасиз, мамлакат иқтисодиётини бозор муносабатларига мос холда қайта қуришнинг асосий омилларидан биридир.

Ер майдонларидан оқилона, самарали фойдаланиш ва уни мухофаза қилишни таъминлашда қонуннинг ахамият и жуда каттадир. У ердан унумли фойдаланиш ва мухофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади хам да ундан нотўғри ҳатти-харакатлардан мухофаза қилиш чораларини белгилайди. Айтиш мумкинки, ердан оқилона, унумли, самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва мухофаза қилишни қонунларнинг ёрдамисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ердан фойдаланиш ва уни мухофаза қилишга йўналтирилган қонунлар ер муносабатларига эхтиёткорона ва оқилона муносабатда бўлиш, асраб авайлаш, қадрлаш, доимо тупроқ унумдорлигини ошириб бориш талабини белгилайди.

Ер билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи қонунларни яхши билмаслик ерни тасарруф этувчи давлат бошкарув органлари ва мансабдор шахслар хам да ердан фойдаланувчилар ўртасида ерни олиш ва бериш борасида келишмовчиликлар, сарсонгарчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Юқорида қайд қилинган бундай хато-камчиликларни бартараф қилишда давлатимиз раҳбарияти олиб бораётган ер сиёсатини амалиётга тадбиқ қилишда бугунги кунда тайёрланаётган ер тузувчи мутахассисларга катта маъсулият юклатилади. Бу мутахассислар ер ҳуқуқларини яхши билишлари

ва шу асосда ер муносабатларини қонуний тарзда тартибга солишда фаол иштирок этишлари зарур.

Методик кўрсатмада ер тузиш бўйича ишларни ҳуқуқий расмийлаштиришга қаратилган назарий билимларни амалий кўникмалар орқали мустахкамлаш кўзда тутилган бўлиб, ўз ичига қуйидаги кетма-кетликда бажариладиган топшириқларни олади:

1. Фермер хўжаликларини ташқил қилиш бўйича ишларни расмийлаштириш;
2. Ер тузиш лойихаларини тасдиқлаш бўйича хўжжатларни расмийлаштириш;
3. Дехкон хўжалиги учун ер участкаларини ажратиш ва хўжжатларни расмийлаштириш.

## 1- топшириқ. Фермер хўжаликларини ташқил қилиш бўйича ишларни расмийлаштириш.

### Фермер хўжалигини ташқил этиш шартлари

Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган холда қишлоқ хўжалига товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалиги аксарият холларда ортиқча Мехнат ресурслари бўлмаган ерларда ва ҳудудларда ташқил этилади.

Чорвачилик махсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташқил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга хисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, БУХОРО, Фанғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташқил этади.

Дехкон чилик махсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 1 гектарни ташқил этади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг хосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик хосил хисобида) ернинг кадастр хосилдорлигидан кам бўлмаслигини таъминлаш

мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасига ижарага олиш шартномасида мустахкамлаб қўйилади.

Фермер хўжаликлари юритиш учун бериладиган ер участкалари

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари:

- захира ерлардан;

-юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан;

-қайта ташқил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) хам да бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташқилотларининг ер участкаларидан;

-қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) хам да бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташқилотларининг ер участкаларидан берилади;

-фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) хам да бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташқилотларининг ер участкалари уларнинг балансидан чиқарилади.

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари бериш тартиби

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташқил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун ҳуқукдан фойдаланадилар.

Захира ерлардан ёки юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ўтказган танлов якунларига кўра туман хокимининг қарорига асосан берилади.

Қайта ташқил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) хам да бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташқилотларининг ер участкалари махсус ташқил этилган комиссия ўтказган танлов якунларига кўра туман хокимининг қарорига асосан берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) хам да бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташқилотларининг ер участкалари мазкур кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ёки корхона, муассаса, ташқилотнинг аъзоларига (ходимларига) фермер хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) умумий йиғилиши томонидан, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташқилотининг ваколатли органи томонидан ўтказилган танлов якунларига кўра туман хокимининг қарорига асосан берилиши мумкин.

Туман хокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори вилоят хокими бошчилик қиладиган ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

Фермер хўжалигининг ер участкаси ҳуқуқини расмийлаштириш тартиби

Туман хокими томонидан фермер хўжалигига ижарага ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабўл қилингандан кейин туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими томонидан 5 кун муддатда ер участкасини ижарага бериш шартномаси тайёрланади.

Ер участкасини ижарага бериш шартномасида ерларнинг турлари бўйича ер участкаси майдони, суғориладиган ерларнинг сифати акс эттирилади, ерларни ижарага бериш муддатлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади, шартномани бекор қилиш шартлари ва ер участкасидан фойдаланиш масалалари бўйича низоларни хал этиш йўллари кўрсатилади. «Шартноманинг алохида шартлари» бўлимида ер участкасининг кучсизланганлик холати, сервитутлар (ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи), суғориш шарт-шароитлари, суғориш сувларини хисобга олиш масалалари ва томонларнинг ҳоҳишига кўра бошқа шартлар ёзилади.

Ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида рўйхатдан ўтказилади ва фермер хўжалигининг ижарага олганлик ҳуқуқини тасдиқловчи хўжжат хисобланади.

Шартнома тузилгандан кейин 5 кун муддатда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими вакили чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари иштирокида фермер хўжалиги бошлиғига ижарага бериладиган ер участкаси чегараларини кўрсатади. Чегара бўйлаб бурилиш бурчакларига чегара белгилари қўйилади.

Фермер хўжалиги ерларини кўрсатиш далолатнома билан расмийлаштирилади, унда фермер хўжалиги ерлари таркибига кирадиган

ерлар контурлари кўрсатилади, ижарага берилаётган ер участкаси чегаралари (чегаранинг жойнинг қайси элементлари бўйлаб ўтиши, чегаранинг ушбу элементларнинг қайси томонидан ўтиши ва бошқалар) тавсифланади.

Далолатнома ер ресурслари ва давлат кадастри туман бўлими вакили, чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари хам да фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Далолатнома икки нусхада тузилади, улардан биттаси Ер ресурслари ва давлат кадастри туман бўлимида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақаланади.

Фермер хўжалигида ердан фойдаланиш

Фермер хўжалигининг ер участкасига эгалик қилиш хам да ундан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун хўжжатларида белгиланади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади. Улар хусусийлаштирилиши, шунингдек олди-сотди, гаров, хадя, айирбошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиш мумкин эмас.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олишда фермер хўжалиги томонидан гаровга қўйилиши мумкин.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаси фермер хўжалиги қайта ташқил этилган тақдирда, агар ер участкасининг бўлиниши натижасида янги ташқил топган ер участкаларининг ўлчами «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида назарда тутилаган энг кам ўлчамлардан кам бўлмаса, бўлиниши мумкин.

Ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Фермер хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қонун хўжжатларига мувофиқ ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддатига мерос бўйича ўтади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин фермер хўжалиги ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этган тақдирда, ижарага олиш шартномаси тарафларнинг келишувига биноан , тарафлар келишувига эришмаган тақдирда эса, суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Фермер хўжалиги тугатилган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси қонун хўжжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши лозим.

## Фермер хўжалигининг ҳуқуқлари

Фермер хўжалиги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- берилган ер участкасида ўз уставида назарда тутилган ихтисослашувга ва ижарага олиш шартномасига мувофиқ фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташқил этиш;

- ихтисослашувни хисобга олган холда ва тузилган контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни амалга ошириш;

- харид қилинадиган махсулотга олдиндан хақ тўланадиган фьючерс (олдиндан хак тўлаш) контрактлари тузиш;

- етиштирилган махсулотини, шу жумладан бу махсулотни истеъмолчиларга реализация қилиш ҳуқуқини ўз хохишига кўра тасарруф этиш;

етиштирилган махсулотини, бажараётган ишлари ва кўрсатаётган хизматларга нарх белгилаш;

- электр энергияси, ёқилғи мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари етказиб берилиши, хизматлар кўрсатилиши юзасидан шартномалар тузиш;

- тадбиркорлик фаолиятидан қонун хўжжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган, чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

- олган даромадларни (фойдасини), банк муассасасидаги ўзининг хисоб варақларида бўлган пул маблағларини тасарруф этиш;

- акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар олиш;

- кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини хам да бошқа мол-мўлкини шартнома асосида жалб этиш хам да уларни ишлаб чиқаришга йўналтириш;

- кредитлар олиш учун ўз мол-мўлкини, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш;

- кичик хам да хусусий корхоналар учун берилган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланиш;

- зарур асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш воситалари хам да бошқа мол-мўлкни олиш, ижарага олиш, бинолар ва иншоотлар қуриш хам да уларни таъминлаш;

- ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш.

Фермер хўжалиги қонун хўжжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга хам эга бўлиши мумкин.

Фермер хўжалигининг ердан фойдаланиш бўйича мажбуриятлари

Фермер хўжалиги мажбуриятлари қуйидагилар:

- ер участкасидан қонун хўжжатларида ва ижарага олиш шартномасида кўрсатилган шартлар асосида, белгиланган мақсадда, самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаши;

- эқологик талабларга ва атроф мухитни мухофаза қилишнинг бошқа қоидаларига  риоя этиши;

- ер участкасининг мелиоратив холатини яхшилаш, унинг унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш тадбир- чораларини кўриши, бизнес- режада шу мақсад учун маблағлар ажратилишини назарда тутиши;

- агар ижарага олиш шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, ер участкаси берилган вактдан эътиборан бир йил ичида ундан фойдаланишга киришиши;

- тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эхтиежлари учун қишлоқ хўжалиги махсулоти назарда тутилган хажмларда етказиб берилишини таъминлаш;

- ғўза ва дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларга риоя этиши;

- сув ресурсларидан сувдан лимит бўйича фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ фойдаланиши;

- хўжалик ичидаги мелиоратив тармоқни тозалаб ва таъмирлаб туриши;

- ер участкасини сақлаш шартларига ва сервитутларга риоя этиши;

- ўз ходимлар учун хавфсиз Мехнат шароитларини таъминлаши;

- солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни қонун хўжжатларида белгиланган тартибда ўз вактида тўлаши;

- қишлоқ хўжалиги махсулоти етиштиришда агротехника талабларига риоя этиши;

- қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан мухофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Фермер хўжалиги зиммасида қонун хўжжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар хам бўлиши мумкин.

Қайта ташқил этилаётган ширкат хўжалиги мисолида фермер хўжалигига ер ажратиш билан боғлиқ ер тузиш иши ўз ичига қуйидаги хўжжатларни олади:

1. Фуқаронинг фермер хўжалигини ташқил этиш бўйича танловда қатнашиш учун берган аризаси (1-илова);
2. Танлов комиссиясининг танлов натижалари бўйича баённомаси (2-илова);
3. Туман хокимининг фермер хўжалигини ташқил этиш учун ер ажратиш тўғрисидаги қарори (3-илова);
4. Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси (4-илова);
5. Фермер хўжалиги ер участкаси тарихи (5-илова);
6. Фермер хўжалиги ер участкаси чегараларини жойида кўрсатиш далолатномаси (6-илова);

## 2-топшириқ. Ер тузиш лойихаларини тасдиқлаш бўйича хўжжатларни расмийлаштириш.

### Ер тузишнинг вазифалари ва мазмуни

Ер тузиш ерлардан фойдаланиш ва уларни мухофаза қилишни ташқил этишга, ер ресурсларини хисобга олиш ва бахолашга, қулай эқологик мухитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Ер тузиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, махаллий ва давлат хокимияти органи қарорига ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ ер тузиш хизмати органлари томонидан амалга топширилади.

Ер тузиш истиқболга мўлжалланган, лойихалаш олдидан хўжаликлараро хам да ички хўжалик ер тузиш турларига бўлинади.

Истиқболга мўлжалланган ва лойихалаш олдидан амалга ошириладиган ер тузишга қуйидагилар киради:

1) республика ва унинг минтақаларининг ер-сув ресурсларидан фойдаланиш хам да уларни мухофаза қилиш чизмаларини ишлаб чиқиш;
2) туманлар ва вилоятларнинг ер тузилиши чизмаларини ишлаб чиқиш;
3) тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш билан боғлиқ истиқбол режаларини, республика миқёсидаги ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш;
4) алохида мухофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг жойлашиши ва чегаралари белгиланишини асослаш.

Хўжаликлараро ер тузишга қуйидагилар киради:

1) жойнинг ўзида овуллар, қишлоқлар, посёлкалар, туманлар, шахарлар, вилоятларнинг чегараларини белгилаш;
2) ерларнинг жойлашишидаги ноқулайликларни бартараф этган холда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачиларнинг ва мўлкдорларнинг янги ер участкаларини ташкил этиш хам да мавжуд ер участкаларини тартибга солиш лойихаларини тузиш;
3) янги ташкил этилаётган, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари хам да ташкилотларига ер ажратиб бериш лойихаларини тузиш;
4) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга давлат ва жамоат эхтиежлари учун олиб қўйиладиган ерларни ажратиб бериш лойихаларини тузиш;
5) ер участкаларини натурада (жойнинг ўзида) ажратиб бериб, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини хам да ер участкаларига бўлган мўлк ҳуқуқини тасдиқловчи хўжжатларни тайёрлаш;
6) янги ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалик ерларини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, бузилган ерларни рекультивация қилиш, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, кўчқилардан, сув босишдан, захлашдан, қақраб қолишдан, заранглашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, радиоактив ва кимёвий моддалар билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш бўйича ишчи лойихаларини ишлаб чиқиш;
7) барча ерларни рўйхатга олиш хам да фойдаланилмаётган, самарасиз фойдаланилаётган ёки белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган ерларни доимий аниқлаб бориш;
8) ерларни ресурс жихатидан бахолаш, ерлардан фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш юзасидан ер тузиш хўжжатларини ишлаб чиқиш;
9) ерларни бахолаш тадбирларини ўтказиш.

Хўжаликлараро ер тузиш туманлар ёки бир- бирлари билан ўзаро боғлиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари гурухларининг маъмурий чегаралари доирасида қонун хўжжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойихалари бошқа туманлар ёки шахар ва посёлкалар ҳудудига тегишли бўлган холларда, уларнинг чегараларини ўзгартириш масалалари маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини жойнинг ўзида белгилаш тартибида хал қилинади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойихалари тасдиқланганидан кейин натурага (жойнинг ўзига) кўчирилиб, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мўлкдорлар ер участкаларининг чегарлари белгиланган намунадаги марза белгилари билан ажратилади.

Ички хўжалик ер тузиш тури қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташқилотларининг ҳудудини ички хўжалик негизида белгилаб олиб, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилишни, барча қишлоқ хўжалик ерларини (пичанзорлар, яйловлар, боғлар, токзорлар ва бошқаларни) жойлаштиришни, тупроқ эрозиясига қарши кўрабўлш тадбирларини ишлаб чиқишни, шунингдек суғориладиган ерларни тўла реконструкциялашни ўз ичига олади.

Ички хўжалик ер тузиш тури лойихаларининг амалга оширилиши устидан ер тузишнинг таркибий қисми бўлган муаллифлар назорати олиб борилади.

Ер тузиш тартибида ерлардан фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш билан боғлиқ бошқа лойихалар хам ишлаб чиқилиши мумкин.

Ер тузиш тартибида топография- геодезия, картография, тупроқ, агрокимё, геоботаника жихатидан, тарихий- маданий ва бошқа йўналишда текширишлар хам да изланишлар олиб бориш назарда тутилади.

Ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини жойнинг ўзида белгилашга доир материаллар, шунингдек истиқболга мўлжалланган хам да лойихалаш олдидан ер тузиш ишларига доир бошқа материаллар қонун хўжжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги ва ер тузиш лойихалари қишлоқ хўжалиги хам да ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташқилотлари мол-мўлкининг мўлкдорлари ёки улар ваколат берган органлар томонидан кўриб чиқилади ва қабўл қилинади, шунингдек манфаатдор ташқилотлар билан келишилади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойихалари вилоят хокими томонидан тасдиқланади. Юридик ва жисмоний шахсларга ер ажратиб бериш лойихалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, вилоят, туман ва шахар хокимлари томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташқилотларининг ички хўжалик ер тузиш лойихалари туман хокими томонидан тасдиқланади. Ер тузиш лойихаларига ўзгартиришлар ушбу лойихаларни тасдиқлаган органларнинг рухсати билан киритилади.

Ер тузишни ер тузиш хизмати органлари давлат бюджети маблағлари хисобидан амалга оширилади. Қишлоқ хўжалик экинзорларини жойлаштириш, ерларни яхшилаш ва мухофаза қилиш, эрозияга қарши ва мелиорация тадбирларини ишлаб чиқиш юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ улар хисобидан амалага оширилади.

Ноқишлоқ хўжалик корхонасига фермер хўжалиги ҳудудидан ер ажратиш билан боғлиқ ер тузиш иши таркибига кирувчи хўжжатлар қуйидагилардан иборат:

1. Ер участкасига талабгорнинг илтимосномаси (7-илова);
2. Фермер хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши баённомаси (8-илова);
3. Талабгорнинг ер тузиш ишини қўзғатиш бўйича туман хокимига илтимосномаси (9-илова);
4. Ер участкасини жойида танлаш далолатномаси (10-илова);
5. Туман хокимининг ер ажратиш бўйича қарори (11-илова);
6. Ер участкаси плани (12-илова);
7. Санитария – эпидимология хизмати хулосаси (13-илова);
8. Вилоят хокимининг қарори (14-илова);
9. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг хулосаси (15-илова).

3-топшириқ. Дехкон хўжалиги учун ер участкаларини ажратиш ва хўжжатларни расмийлаштириш.

Дехкон хўжалиги

Дехкон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий Мехнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги махсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Дехкон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолиятига киради хам да дехкон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташқил этган холда ва юридик шахс ташқил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

## Дехкон хўжалигини ташқил этиш тартиби

Дехкон  хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади хам да у давлат рўйхатига олинганидан ва унга белгиланган тартибда ер участкаси берилганидан кейин ташқил этилган хисобланади.

Ер участкаси бериш тўғрисидаги ариза сўралаётган ер учаткасининг жойлашган ери, майдони, дехкон  хўжалигининг таркиби хам да ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланиши кўрсатилган холда қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бошқарувига ёҳуд бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташқилотининг иш бошқарувчисига (маъмуриятига) берилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бошқаруви, бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси, ташқилотининг иш берувчиси (маъмурияти) дехкон  хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш имконияти тўғрисидаги хулосани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишилган холда тайёрланади. Мазкур хулоса асосида қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) умумий мажлиси, бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси, ташқилотининг ваколатли органи дехкон  хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида илтимоснома билан туман хокимига мурожаат қилиш хакида қарор қабўл қилади.

Туман хокими ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган илтимоснома асосида ва ер участкалари бериш (реализация қилиш) тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосаси асосида дехкон  хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш хам да мазкур хўжаликни давлат рўйхатига олиш хакида қарор қабўл қилади.

## Томорқа ер участкаси

Томорқа ер участкаси- қишлоқ хўжалиги махсулотини эркин савдо хам да оила эхтиежлари учун етиштириш, шунингдек якка тартибдаги уй-жой кўрилиши хам да уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун хўжжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир.

Томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш қуқуқини берувчи давлат хўжжати билан гувоҳлантирилади

## Дехкон  хўжаликларига ер бериш шартлари

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзоларининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги кооперативлари, муассасалари ва ташқилотлари ходимларининг оилаларига, шунингдек қишлоқ жойларда

яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига дехкон  хўжалиги юритиш учун қонун хўжжатларида белгиланган тартибда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ховли эгаллаган майдони хам да қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади.

Фуқароларга дехкон  хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимошди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

Янги ташқил этилаётган дехкон  хўжалиги учун томорқа ер участкаси олиш ҳуқуқидан мазкур жойда камида уч йил мобайнида доимий яшаб келаётган шахслар фойдаланадилар (янги ўзлаштирилаётган ер майдонлари бундан мустасно).

Дехкон  хўжалигига ажратилган ернинг чегаралари натурада (жойнинг ўзида) ер тузиш хизмати органлари томонидан махаллий бюджет маблағлари хисобидан расмийлаштирилади.

Томорқа ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган дехкон хўжалигига қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви томонидан умумий мажлиснинг қарори асосида, бошқа қишлоқ хўжалик корхонаси, муассасаси ва ташқилоти юқори бошқарув органи, иш берувчиси (маъмурияти) томонидан қишлоқ хўжалик махсулоти етиштириш ва реализация қилиш, ем ишлаб чиқаришни ташқил этиш, шунингдек яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилиши мумкин.

Оила бошлиғига мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилишга берилган томорқа ер участкасида дехкон  хўжалигини ташқил этиш билан боғлиқ ер тузиш иши ўз ичига қуйидаги хўжжатларни олади:

1. Ер эгасининг дехкон  хўжалигини ташқил этиш учун туман хокимига аризаси (18- илова);

2. Туман хокими ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг хулосаси (19- илова);

3. Туман хокимининг дехкон  хўжалигини ташқил этиш тўғрисидаги қарори (20 - илова);

1. Дехкон  хўжалиги ерлари тархи (21-илова).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Фермер хўжалиги тўғрисида». Янги тахрир. Т.: Ўзбекистон, 2004
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Дехкон хўжалиги тўғрисида». Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 8-сонли қарори «Қишлок хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора тадбирлари тўғрисида» . Т.: 2002.
6. А.Нигматов. Ер ҳуқуқи. Ўкув қўлланма. Т.: Ислом Университети, 2001.
7. М.Х.Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи. Дарслик. Т.: Ислом Университети, 2002.
8. А.А.Варламов и др. Государственное регулирование земельных отношений. М.: Қолос, 1999.
9. Авезбаев С., Волков С.Н. Ер тузишни лойихалаш. Дарслик. Т.: Янги аср авлоди, 2004.


Мундарижа


1. Кириш ………………………………………………………. ............ 3
2. 1-топшириқ. Фермер хўжаликларини ташқил қилиш
3. бўйича ишларни расмийлаштириш …………………………………… 5
4. 2-топшириқ. Ер тузиш лойихаларини тасдиқлаш
5. бўйича хўжжатларни расмийлаштириш ……………………………… 13
6. Дехкон хўжалиги учун ер участкаларини ажратиш ва
7. хўжжатларни расмийлаштириш ……………………………. .............17
8. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ……………………….. .............21
9. Иловалар ……………………………………………………….............22

# ИЛОВАЛАР

1-илова

(хўжалик номи)

хўжалигини қайта ташкил этиш бўйича комиссия раиси ________________________________га

__________________________да яшовчи

_________________________томонидан

(Ф.И.Ш.)

А Р И З А

Менга _________________________________________________даги

(ер участкаси чегаралари ва жой тавсифи)

____________________________контурда жойлашган _______гектар ер участкасида фермер хўжалиги ташкил этиш учун танловда қатнашишга рухсат беришингизни сўрайман.

Ўзим ҳақимда қуйидагиларни билдираман:

(маълумоти, мутахасислиги, иш тажрибаси ва стажи, шу жумладан қишлоқ хўжалигида)

____________________________________________________________________________

ташкил этиладиган фермер хўжалиги ходимлари тўғрисидаги маълумотлар:

(ходимлар сони уларнинг билими, иш тажрибаси ва стажи, шу жумладан қишлоқхўжалигида)

Ўз навбатида бириктирилган ер участкасидан юқори ҳосил олиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини (уч йилда ўртача ҳисоблаганда) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаган миқдорда таъминлаш, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 35-моддасига мувофиқ сув объектларидан фойдаланиш мажбуриятларини бажариш , қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан Ер кодексининг 48-моддасига мувофиқ фойдаланиш мажбуриятларини бажариш , туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан тасдиқланган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш схемасига риоя қилган ҳолда 10 йил мобайнида ишлаб чиқариш ихтисослашувини ўзгартирмаслик , алмашлаб экишга риоя қилган ҳолда давлат эҳтиёжлари учун махсулот сотиш, кредиторлик қарзларини муддатларида тўлаш, шунингдек комиссия томонидан қўйилган бошқа шартларни бажариш мажбуриятини ўз зиммамга оламан.

_________________ _________________________

(сана) (имзо)

2-илова

Фермер хўжалигини юритиш учун

ер участкаси бўйича тендер (танлов)
ѓолибини аниқлаш тўѓрисида

________________ туман ___________________________________________

(комиссия номи)

комиссия йиѓилишининг _______ - сонли баённомаси

_________ қишлоѓи «____» __ 200__ йил

Раислик қилди: ________________________________

(комиссия раиси Ф.И.Ш)

Қатнашдилар:
_________________________________________

(комиссия аъзоси Ф.И.Ш)

_____________________________
____________

(комиссия аъзоси Ф.И.Ш)

К У Н Т А Р Т И Б И

________________________________________Фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича ўтказилган танлов якунлари тўѓрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия раиси ___________ ахбороти эшитилди.

____________________________________________________________________

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб комиссия

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

______________ Фермер хўжаликларни ташкил этиш учун ўтказилган танлов натижалари қуйидагича тадиқлансин.

| Т/Р | Танлов ѓолиби (Ф.И.Ш) | Ер лойиҳаси № | Майдони, га | Тўплаган балл |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Комиссия раиси ______________________ ___________________

(Ф.И.Ш) (имзо)

Комиссия аъзолари ______________________ _________________

(Ф.И.Ш) (имзо)

3-илова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

BUXORO VILOYATI

londor tuman Hokimining

Q A R O R I

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ

Жондор тумани ҲОКИМИНИНГ

Қ А Р О Р И

200 ___ йил «____» ___________ Бухоро шаҳри № ___ - сонли

Туман худудидаги «_______________________________________» ширкат хўжалиги негизида фермер хўжалиги ташкил этиш учун тендер танловида ѓолиб чиққан фуқароларга ҳамда мавжуд фермер хўжаликларига қўшимча ер майдонлари ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги ПҚ-514 ҳамда вилоят ҳокимининг 200___ йил «____»___________ даги _____ туман ҳокимининг 200___ «____»_________ даги _____- қарорига асосан, ҳамда тумандаги тугатилган «_____________________________» ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссия йиѓилишининг 200____ йил «____»_________ даги _____ - баённомасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги тугатилган «_________________________________» ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссия йиѓилишининг 200___ «____»_________ даги ___ - баённомаси тасдиқлансин.
2. Тугатилган «__________________________________» ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантириш мақсадида хўжалик ҳудудидан тендер танловида ѓолиб чиққан фуқароларга ҳамда мажуд фермер хўжаликларига ижара шартномаси асосида 49 йил муддатга қўшимча ер майдонлари ажратиб бериш белгиланган тартибда 1 ва 2 – иловага асосан ажратиб берилсин.
3. Тендер танловида ѓолиб чиққан фуқаролар ҳамда мавжуд фермер хўжаликлари бошлиқларига туман деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллигига аъзо бўлиб иш ташкил қилиш, ажратиб берилган ер майдонларидан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланиш, туман

ҳокимлиги билан келишмасдан капитал қурилиш қилмаслик, режада белгиланмаган такрорий экинларни экмаслик вазифалари топширилсин, акс ҳолда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 36,40 моддаларининг бандлари ва фермер хўжалигини ер участкасини узоқ муддатли ижара шартномасининг 6 боб 17 бандидаги холатлар содир этилганда ерга эга бўлган ижара шартномаси бекор қилинсин.

4. Туман статистика бўлими (___________) га янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига ном гувоҳномаларини олиб бериш чора-тадбирларини белгилаш вазифаси топширилсин.

5. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси (___________) га янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларини белгиланган тартибда солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш ҳамда мухр ва тамға тайёрлаш учун рухсатнома бериш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (__________)га туман ер хисоботига тегишли ўзгаришлар киритиш, фермер хўжаликларига ер кадастр ҳужжатларини тайёрлаб бериш ва ажратилаётган ерларнинг чегарасини кўрсатиб бериш вазифалари топширилсин.

7. Туман ҚСХБ, туман МТП, туман ДФУ вакиллиги, Агрокимё таъминот туман бўлими раҳбарларига фермер хўжаликларига айлантирилаётган хўжаликларида ўзларини муқобил хизмат кўрсатиш бўлимларини ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу қарор тасдиғини халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессияси ва вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

9. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими

_____________________________

4-илова

Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантиришда ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш

# Ш А Р Т Н О М А С И

Ушбу Шартнома намунаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2002 йил 5-январ

№8-сонли қарори билан тасдиқланган.

# Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантиришда ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш

## Ш А Р Т Н О М А С И

200__йил «___»_________________ ____- сон

Кейинги ўринларда «Ижарага берувчи» деб аталадиган ___________

вилояти_______________тумани ҳокимлиги номидан ҳоким ______________________________бир томондан ва туман ҳокимининг 200__йил «___»________даги - қарори билан ташкил этилган, кейинги ўринларда «Ижарачи» деб аталадиган фермер хўжалиги бошлиғи

_______________________________________________________________

(хўжаликнинг номи, хўжалик бошлиғининг исми, фамилияси ва отасининг исми)

иккинчи томондан ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I.Шартнома мавзуси

1. Ижарага берувчи______________тумани ерларидаги__________

гектар тер участкасини 200__йил «__»_________дан бошлаб _______йил

муддат билан узоқ муддатли ижарага беради. Ижарачи эса ижарага қабул қилиб олади.

Ер участкаси чегаралари ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган илова қилинаётган фермер хўжалиги ерларининг тархида кўрсатилган.

2.Ер участкаси_____________________________________________

(ихтисослашуви)

